

РЎЗАНИНГ МОҲИЯТИ

05:00 / 11.01.2017 3175

Аллоҳ таоло Рамазон ойи рўзасини фарз қилигани ҳақидаги ояти каримада: "Эй иймон келтирганлар, сизлардан олдингиларга фарз қилиганидек, сизга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки тақводор бўлсангиз", дейди. Ушбу оятни ўқиган одам, мусулмонлар, улардан аввалгиларга фарз қилиганидек рўза фарз қилинибди, деб кетавериши мумкин. Лекин, тузикроқ таъаммул қилинса, оятга тегишли маълумотлар, тафсирлар ўрганилса ўта аҳамиятли ҳақиқатлар юзага чиқади. Ушбу ояти каримани ўқиганимда, мўмин- мусулмонларга маъносини айтиб берганимда, ваъзларда шарҳлаганимда, "Ҳилол" тафсирида тафсир қилганимда доимо бир нарса хаёлимдан ўтади. Болаликда Совет мактабида, Рамазон пайтида бир ўқитувчи (агар ўшандай одамни ўқитувчи деб аташ мумкин бўлса), рўзани арабистонлик Муҳаммад деган одам ўйлаб чиқарган. Арабистонда иссиқ бўлади. Бир кун сасиб қолган гўшти еб одамлар захарланиб қолган. Ўшанда Муҳаммад одамларга овқат емасликни буюрган. Кейинчалик одат тусига кириб қолган, деган эди. Ўшанда кичкинтой ўқувчилар рўзанинг моҳиятини тушунмасалар ҳам, ўқитувчи деган шахс ёлғон гапирганини яхши англаган эдилар. Ушбу оятда эса, рўзани Муҳаммад исмли одам эмас, балки Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам исмли одамнинг ва барча одамларнинг Роббиси амр этганини билдирилмоқда. Рўза ибодати фақат Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига эмас, ўтган барча умматларга ҳам фарз қилинганини билдирмоқда. Чунки, барча умматларнинг Роббиси бир, барча пайғамбарларнинг юбуровчиси бир, барча китобларнинг тушурувчиси бир, барча шариатларни жорий қилувчиси бир-Аллоҳ таолонинг ўзидир.

Юқоридаги ояти кариманинг тафсирида кўплаб тафсирчи олимларимиз, дунёдаги барча динларда, ҳатто самовий эмас, одамлар ўзлари ўйлаб чиқарган динлар, мазҳабларда ҳам рўза борлигини тарихчиларга асосланиб таъкидлайдилар. Чунки, рўза тутиш инсон ҳаётининг тақозасидир. Рўзанинг инсон учун зурур нарса эканлигини инкор этиш учун ёки инсонлик табиатидан чиқиш керак ёки коммунист бўлиш керак. Бошқалар ҳаммаси у ёки бу шаклда рўзани ихтиёр қилганлар ва қилиб келмоқда. Агар инсон соғлигини саўлаш учун ҳаракат қилаётган мутахассисларга ўқийиб берилса, айнан исломий рўзани бутун дунёдаги одамларга фарз қилишларида шубҳа қолмади. Чунки, бошқа самовий

динларда ҳам рўза моҳияти замон ўтиши билан кишилар томонидан бузилиб юборилган. Мисол учун ҳозирда энг кўп тарқалган динлардан бирида рўза ҳайвон маҳсулотлари яъни, гўшт, сут, тухум каби маҳсулотларни танаввул қилишни тўхтатишни англатади. Яна буни маънавий жасорат, деб атайдилар. Бунда Аллоҳнинг амрини бузишнинг бир кўриниши борлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бу ишда охират, илоҳий амрларга тегишли ишлар беҳуда кетганлигида шубҳа йўқ, аммо, бу дунёга ҳам фойда йўқлигини табиблар ва овқатланиш мутахассислари ҳам таъкидламоқдалар. Уларнинг таъкидлашларича исломий рўзадаги каби мутлақо еб-ичишнинг ҳамма турларини тарк этмагунча очлик фойда бериб, соғликни ўнгламайди. Баъзи овқатларни тарк этиш эса, овқат парҳези бўлиб зарарли экан.

Ушбу фикрлар кишини мусулмонларнинг рўзага бугунги кунда бўлаётган муносабатларига тортади. Ҳамма, эмас-ку, баъзи кишилар рўзанинг моҳиятини англаб ета олмайдилар. Ҳар йили рўзага бир икки ой қолганда ўзини Ислом давлати деб номлаётган юртларда ахборот воситалари зўр бериб, Муборак Рамазонни муносиб кутиб олиш учун чет эллардан қўшимча гўшт-ёғ, ҳайвонлар, турли озиё-овқат маҳсулотлари олиб келинаётгани ҳақида гапира бошлайдилар. Одамлар ҳам жон-жаҳди билан озиқ-овқат ғамлашга ўтадилар. Бозорларда озиқ-овқат нархи кескин кўтарилиб кетади. Натижада Рамазондан киссалари бўшаб, қоринлари тўлиб, бир неча кило семириб чиқадилар. Рамазондан кўзланган асосий мақсад, тақводорлик ҳисси, сабр, меҳр-шафқат, бирдамлик руҳи каби олий мақом инсоний фазилатларни нима бўлганини Аллоҳнинг ўзи билади. Баъзи бир осий, фосиқ-фожирларга Аллоҳнинг амрига бўйсин, рўза тут, десанг, сенинг ишинг бўлмасин, ўзим биламан, дейди. Агар, рўза тут озийсан, соғлигинг яхши бўлади, десанг, ундай бўлса тутсак бўлар экан, дейди. Қачон ҳаммамиз рўзанинг моҳиятини тушуниб етамиз? Қачон Аллоҳнинг амрини сўзсиз адо этадиган бўламиз? Қачон дунёдан, охиратни устун қўядиган бўламиз?! Аллоҳ таоло ўзи тўғри йўлга бошласин! Омин!